

**Суюлтирилган углеводородли газни корхона ва ташкилотларга  
сотиш бўйича №УП 101-сонли Х И С О Б - Ш А Р Т Н О М А**

2022 й. «05» Январи

Нукус шахри

Низом асосида фаолият юритувчи "GULNORA GAZ SERVIS" МЧЖ номидан директор Н.Эрметов (кейинги матнларда «Сотувчи» деб юритилади) бир томондан, низом асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ номидан раҳбари \_\_\_\_\_ (кейинги матнларда «Харидор» деб юритилади) иккинчи томондан (биргаликда "Томонлар") мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. Ушбу шартномага асосан ҳар ойнинг бошида "Сотувчи" нинг банкдаги ҳисоб рақамига «Харидор» нинг банкдаги ҳисоб рақамидан ўзининг газ билан юрадиган автомобилларига сарфланадиган суюлтирилган углеводородли газни (кейинги матнларда қисқача СУГ деб юритилади) миқдорига тенг бўлган пул маблағини 100 % олдиндан ўтказгандан кейин, "Сотувчи" ўзининг автомобилларга газ қуйиш шахобчасидан (кейинги матнларда қисқача АГҚШ деб юритилади) куйидаги кўрсатилган ҳажмлардан келиб чиқиб, бир йил мобайнида «Харидор» нинг автомобилларига (газ боллонига) СУГ ни куйиб беришни таъминлайди:

№	Сотиладиган товар, маҳсулотнинг номи	Ўлчов бир- лиги	Бир йиллик сотиш миқдори	Шу жумладан, йил чоракликлари бўйича тақсимланиши			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Суёлтирилган углеводородли газ (СУГ)	литр					
х	<b>Ж а м и</b>	<b>х</b>					

1.2. СУГ Ўзбекистон Республикаси хом-ашё биржалари (Ўз РТСБ) орқали сотиб олиниши сабабли СУГ нинг баҳоси ўзгариб туришини эътиборга олган ҳолда, "Сотувчи" томонидан СУГ ни сотиш бўйича тузилган калькуляциядаги нарх (олинган СУГнинг таннари, табиий, технологик йўқотишлар сарфи, электр энергия, сув, эҳтиёт қисмлар, ЁММ, газ асбоб-ускуналарини таъмирлаш, чет корхоналарнинг СУГни сақлашга, қатнашга кўрсатадиган хизматлари, асосий воситаларнинг эскириши, ходимларнинг ойлик маоши ва унинг ажратмалари давр харажатлари, молиявий харажатлар, ер, мулк, сув, фойда, акциз, ҚҚС солиқлар, рентабеллик ва бошқа харажатлар асосида ҳиобланган нарх) бўйича амалга оширилади.

1.3. «Харидор» га бериладиган СУГ ҳажми "Сотувчи"нинг газ қуйиш колонкасидаги ўлчов асбоблари бўйича аниқланади.

**II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

2.1. Сотилаётган товар (СУГ) ҳисоб-китоби шу СУГ берилётган вақтда амалдаги нархлар бўйича амалга оширилади. Шу сабабли шартноманинг олдиндан тахминий ўртача қийматдаги умумий қиймати \_\_\_\_\_) сўмга белгиланиб, шундан 15 % (ўн беш фоизли) қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) нинг суммаси \_\_\_\_\_) сўми, ҳамда жами олинаётган СУГ нинг миқдоридан ҳисобланадиган акциз солиғини ташкил қилади, ушбу белгиланган қиймат ушбу шартноманинг охирига амал қилиш муддатигача юқорида қайд қилинган сабабларга кўра ўзгариши мумкин.

2.2. Сотилаётган товар (СУГ) нинг нархи ушбу шартноманинг 1.2. бандига монанд «Таъминотчи» корхоналарда материаллар, ёқилги-энергетик ресурсларининг қийматининг ўзгариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва миёёрланган ҳужжатларининг ўзгаришларига асосан ўзгартириб борилади.

2.3. «Харидор» га СУГ мазкур шартноманинг 1.1. бандига мос равишда томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб ўн банк куни мобайнида олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш учун «Сотувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағини ўтказиб беришни, технологик талаб ва миёёрлар Харидор» томондан тўлик бажарилишини ва материал жавобгар шахс номига берилган ишончнома тақдим қилиниши таъминлангандан кейин, ведомостларга қайд қилиш тартибида амалга оширилади.

**III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

«Харидор» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган СУГ ни тегишли сифатида ва ўзаро келишилган муддатларда қуйиб олишни талаб қилишга ҳақли.

3.2. «Харидор» газ баллон билан жиҳозланган автомобилларининг (маиший газ баллонларининг) ва унинг технологик қурилмаларининг умумий техник ҳолатини талаб даражасида сақлашни, ҳайдовчининг йўл варағида уни қайд қилиб боришни, техника (ёнгин, электр, газ) хавфсизлиги бўйича керакли чоралар кўришни таъминлайди.

*Азизов Ш. Ш*

3.3. «Харидор» суюлтирилган газда ишлайдиган автотранспортларига газ билан тўлдириш ва ишлатиб белгиланган тартиб асосида тегишли рухсатномани олишни, ҳайдовчиларга газ қуйиш шахобчасида газ қуйиш жараёнидан олдин, газ қуйиш жараёнида ва ундан кейин қандай техник ва хавфсизлик талабларни бажариш тартиб ва қоидаларини ўқитишни ва ушбу талаб ва қоидалар ҳайдовчилари томонидан тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

3.4. Ушбу шартноманинг 1.1. ва 2.3. бандларига жавобан ҳар ойнинг бошида пул маблағини ўтказиб беришни таъминлайди.

3.5. «Сотувчи» нинг АГҚШ дан қуйиб олган СУГни фақат ўзининг газ баллон билан жиҳозланган автомобилларига сарфлайди, ҳеч қандай ўзининг тасарруфида бўлмаган бошқа автотранспортларга қуймасликни ва бошқа корхона ва ташкилотларга АГҚШ дан қуйиб олиб, қайта сотиш ташкил қилмасликни таъминлайди.

#### «Сотувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.6. «Сотувчи» мазкур шартноманинг 2.2. ва 2.3. бандлари бўйича назорат ўрнатишни, «Харидор» нинг автотранспортлари АГҚШ га кириб келганда текшириш ўтказишни таъминлайди, агарда талаб ва миёёрлар тўлиқ бажарилмаган ҳолатларида, бериладиган СУГ ни «Харидор» томонидан тўлиқ бажарилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

3.7. Барча миёёр ва талаблар бажарилгандан кейин «Харидор» нинг газ баллон билан жиҳозланган автомобилларига СУГ қуйиб беришни таъминлайди.

3.8. «Харидор» га СУГ нинг нархи бўйича ўзгаришларни ва СУГ га тегишли бошқа маълумотларни етказиб туришни таъминлайди.

3.9. Ҳар ой якунлангандан кейин шу ой давомида тўлдириб борилган ведомостдаги кайдларга асосланиб, «Харидор» га ҳисоб-фактура тақдим қилишни таъминлайди.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

4.1. Шартноманинг шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурийдир.

4.2. СУГ га ҳақ тўлашдан бўйин товлаганлиги ва шартноманинг 3.4. бандида кўрсатилган муддатида «Сотувчи» нинг ҳисоб варағига пул маблағи келиб тушмаса, тушмаган ва бўйин товланган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг миқдори шартнома умумий қийматининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. СУГ ни сабабсиз қуйиб бериш кечиктирилган, охиригача етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор» га муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

#### **V. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА БОШҚА ШАРТЛАР**

5.1. Шартнома мажбуриятларини бажариш ёки лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазият (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлиги.

5.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ МУДДАТИ.**

6.1. Келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан тартибда, томонлар ўзаро келишиш йўли билан ҳал қиладилар, келишишнинг иложи бўлмаса, иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

6.2. Томонлар келишмовчиликларни ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан 2022 йил 31 декабр куни якунигача амал қилади ва шу даврда ҳуқуқий кучга эга.

6.4. Ушбу ижара шартномаси икки нусхада тузилди ва ҳар томонга битта нусхадан берилади.

#### **VII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**«СОТУВЧИ»**

“GULNORA GAZ SERVIS” МЧЖ

Беруний ш. Хоразм кўчаси 28 уй.

Тел. (+99895) 606-34-23 (+99899) 969 66 44)

х/р 2020 8000 1043 6030 7001

АТБ «Хамкорбанк» Хоразм минтақ. фил.

МФО: 01166 ИНН: 205 262 876


ОКОНХ 71 150 ОКЭД 47 300

ҚҚС тўловчи коди 335 090 016 950

Директор \_\_\_\_\_ Н. Эрметов.

М. Ў.

**«ХАРИДОР»**





Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси "Ўзнефтьгазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АС № 1080

Мазкур лицензия билан "GULNORA GAZ SERVIS"  
(лицензия эгасининг тулиқ номи)

масъулияти чекланган жамияти

га

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеў  
(руҳсат этилган фаолият тури)

автомагистрал йўли бўйида жойлашган АГКШ орқали суюлтирилган

углеводород газини сотиш билан

шугулланишга руҳсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Қорақалпоғистон

Республикаси, Беруний тумани, Хоразм кўчаси, 28-уй.

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи


сифатидаги идентификация рақами: 205 262 876

Лицензия берилган сана: 2020 й. 23 октябрь

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 1297

Ваколатли шахс: Н. Агзамов  
(исми шарифи, фамилияси)

  
(имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача  
узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача  
узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Reestrdaagi tartib raqami: № 3386

№ 00317

«14» апрель 2010 й.

Mazkur guvohnoma berilgan yuridik shaxsga

«GULNORA GAZ SERVIS»

МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

(davlat tilidagi to'liq nomi)

Tashxiliy huquqiy shakli:

TShSh

1152

Mulkchilik shakli:

MCH

142

Davlat ro'yhatidan o'tkazish sanasiga pochta manzili:

MHOBT

1735207501

Yuridik shaxsning kodi:

KTUT

19816514

Asosiy faoliyat turi kodi:

XXTUT

71150

Davlat ro'yhatidan o'tkazish vaqtida

STIR

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

205262876

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ rahbari

(imzo)

М. Аллаберенов

